

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
_____ ВИЛОЯТИ КОСОНСОЙ ТУМАНИ

Жисмоний шахс « _____ » томонидан
“ОРИФЖОН” пул-буюм лотерея ўйинини
ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган

БИЗНЕС-РЕЖА

_____ ВИЛОЯТИ, _____
тумани, Тергачи қишлоғи



Инвестиция миқдори

1500 000,0 минг сўм

Шундан;

Инвесторлар маблағи

800 000,0 минг сўм

_____ – 2021 йил

МАХФИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МЕМОРАНДУМИ

Ушбу бизнес режа жисмоний шахс «_____» буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йулга куйилиши режалаштирилаётган лойиханинг молиявий–иктисодий, ташкилий ва маркетинг таҳлилларини ўз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар корхона рахбари ва унинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат жисмоний шахс «_____» нинг мулки хисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошка шахсларга ошкор этиш жисмоний шахс ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни фуқаронинг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошка шахсларга сотиш ёки такдим этиш, нусха кучириш ёки ошкор этиш катъиян маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юкоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир саклаш, таркатмаслик ва маълумот эгаси – жисмоний шахс «_____»нинг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш _____ ИМЗО _____

м. у.

Ф.И.Ш _____ ИМЗО _____

м. у.

| | |
|----------------------------------------------------------|----|
| ➤ Тижорат сирини ошкор этмаслик келишуви | 3 |
| ➤ Лойиханинг кискача шархи | 4 |
| ➤ Бизнес лойиханинг тавсифи | 8 |
| ➤ Кириш | 9 |
| ➤ Лойиханинг умумий шархи | 10 |
| ➤ Лоиханинг стратегик мазмуни ва макседи..... | 12 |
| ➤ Лойиха ташаббускори хакида кискача маълумот | 16 |
| ➤ Лойиханинг амалга ошириш графиги..... | 18 |
| ➤ Сотиш кувватлари..... | 21 |
| ➤ Ишчи кучи ресурлари ва уларга булган талаб..... | 22 |
| ➤ Энергия ресурлари сарфи | 25 |
| ➤ Фаолиятнинг маркетинг тахлили | 27 |
| ➤ SWOT (АЗИТ) тахлили | 31 |
| ➤ Маркетинг стратегияси ва дастури | 33 |
| ➤ Умуминвестицион харажатлар ва молиялаш манбаалари..... | 35 |
| ➤ Лотерея сотиш режаси..... | 36 |
| ➤ Хом ашё ва моддий ресурслар сарф – харажатлари..... | 37 |
| ➤ Ишчи кучи сарф харажатлари | 39 |
| ➤ Энергия ресурслари сарф харажатлари | 42 |
| ➤ Амортизация ажратмалари | 45 |
| ➤ Ялпи харажатлар ҳисоби..... | 46 |
| ➤ Инвестиция маблағларини қайтариш режаси | 47 |
| ➤ Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоби..... | 48 |
| ➤ Пул окими ва дисконтланган пул окими | 49 |
| ➤ Хулоса | 50 |
| ➤ Фойдаланилган адабиётлар..... | 51 |

ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ: жисмоний шахс « _____ »

ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ: Молиявий тизимида молиялаштириш асосида маҳаллий ёки чет эл инвесторлари маблағлари ҳисобидан

ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ: жисмоний шахс

МУАССАСАНИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАКАМИ: _____ 2018 йил, Реестрдаги тартиб раками № _____, Гувохнома № _____ Асос: _____ тумани Давлат хизматлари марказининг № _____ сонли гувохномаси

МУАССАСАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ: _____ вилояти, _____ тумани, _____ қишлоғи

БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ: АТБ “ _____ банк” _____ филиали х.р

МФО 00771, СТИР (ИНН): _____, Тармок коди (ОКОНХ):19733

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ва илмий-техник фаолиятнинг истиқболли ютуқларини жорий қилишнинг самарали механизмларини татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Хужжат билан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси тўғрисидаги низом;

Илмий ва илмий-техник фаолият натижалари ишлаб чиқилиши ҳамда тижоратлаштирилишида иштирок этаётган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларидаги муаллифлар ва илмий жамоаларга қўшимча бир марталик мукофот тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

Патентга лаёқатли истиқболли техник ечимлар ва ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хаулар)ни ўз ичига олган тижорат сирини режимда ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк объектга бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва бошқаларга ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси тўғрисидаги низомга кўра, жамғарма Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида юридик шахс шакллантирилмаган ҳолда тузилади.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; грантлар ва халқаро молиявий институтлар ҳамда бошқа хорижий донорлар кредитлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини татбиқ этиш, шунингдек, кейинчалик серияли ишлаб чиқариш учун инновацион маҳсулотнинг тажриба-саноат партияларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиш;

- юқори технологик тадбиркорлик стартап-лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш орқали амалий натижалар олишга қаратилган илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш;

- таъсисчиларидан бири устав фондга ўз улуши сифатида интеллектуал мулк объектини ёки тайёр технологияни киритиш орқали янги тузилаётган тижорат ташкилотининг устав капиталига инвестиция қилиш мақсадида лойиҳаларни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш.

Қуйидагилар баҳолашнинг ва лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

- таклиф қилинаётган маҳаллий ҳамда чет эл лойиҳасининг долзарблиги - замонавий муаммолар ва масалаларга ечим топа олиши учун лойиҳада акс этган ғоянинг қиймати баҳоланади;

- лойиҳанинг инновацион йўналтирилганлиги - таклиф этилишига кўра лойиҳада янги, сайқаллаштирилган, олдин республикада қўлланилмаган технологиялар ва (ёки) ташкилий принциплардан фойдаланилган бўлиши керак, шунингдек, янги, олдин республикада ишлаб чиқарилмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш (ёки яратиш), шунингдек, янги хизмат кўрсатиш кўзда тутилган бўлиши шарт;

- лойиҳанинг эриша оладиган натижадорлик кўрсаткичи - лойиҳа натижаларига эришишга қаратилган масалаларни ечиш учун таклиф этилаётган услуб ва йўлларнинг мавжуд, асосли ҳамда етарли эканлиги баҳоланади;

- бозорда маҳсулотга талабнинг мавжудлигини баҳолаш - маҳсулотнинг бозор талаби ҳамда тижорат истиқболлари баҳоланади; лойиҳанинг тижоратлаштириш истиқболлари - келажак маҳсулоти татбиқ этилиш ва бозорга чиқиш, муайян истеъмолчи томонидан қабул қилиниш истиқболлига эга бўлиши шарт;

- лойиҳанинг салоҳиятли рақобат устунлигини баҳолаш - истеъмолчи учун маҳсулот/технологиянинг унинг амалдаги аналогига нисбатан устунлиги мавжудлиги каби муҳим хусусиятлари баҳоланади;

- лойиҳанинг инвестицион жозибadorлиги - қўшимча фойда келтирувчи ҳамда қўйилган сармоянинг ўзини қоплай олмаслик таваккалчилигини камайтирувчи мақбул инвестицион ва инновацион шартлар ва қулайликлар жамланмаси;

- лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги - унинг бевосита иштирокчилари учун лойиҳанинг амалга оширилишидан келган молиявий натижаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда иқтисодий самарадорлиги, шунингдек, лойиҳа амалга оширилиши натижасида ҳосил бўлган молиявий оқибатларни акс эттирувчи бюджет самарадорлиги

- Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш куйидаги тарзда амалга оширилади:

- илмий ва илмий-техник фаолият ишланмаларининг натижаларини қўллаш орқали яратилган (бажарилган, кўрсатилган) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни реализация қилиш ёки ушбу натижалардан шартнома асосида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

- тижорат ташкилоти тузиш натижасида устав фондига таъсисчилардан бири ўз улуши сифатида интеллектуал мулк объектини ёки тайёр технологияни киритувчи муаллиф (муаллифлар) ҳисобланган жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин;

- яратилган интеллектуал мулк объектларини учинчи шахсга эгаллик ҳуқуқини ўтказишда ҳамда лицензион шартномалар тузиш орқали ушбу объектлардан фойдаланишни тақдим қилиш, шу билан бирга, ушбу ҳуқуқлар эгалари томонидан уларни кейинчалик тижоратлаштириш шарти билан; қонунчиликда назарда тутилган бошқа усуллар билан.

- Илмий ва илмий-техник фаолият натижалари ишлаб чиқилиши ҳамда тижоратлаштирилишида иштирок этаётган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларидаги муаллифлар ва илмий жамоаларга қўшимча бир марталик мукофот тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, бир марталик мукофот тайинлаш учун ҳар бир ҳисобот йили тугагандан кейин уч ой ичида муассаса раҳбари буйруғи билан ушбу муассасанинг жавобгар шахсларидан иборат, таркиби беш кишидан кам бўлмаган комиссия тузилади. Унинг таркибига комиссия раиси, аъзолари ва котиби киради.

- Муассаса раҳбари буйруғи қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида комиссия бир марталик мукофотни муаллифлар (хамуаллифлар) ҳамда мукофот тўланадиган шахслар таркиби ўртасида тақсимлаш бўйича қарор қабул қилади.

Комиссия қарорлари раис томонидан тасдиқланадиган баённома шаклида расмийлаштирилади.

- Комиссия қарори комиссия аъзоларининг умумий сонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар овозлар сони тенг бўлса, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

- Бир марталик мукофотни тўлаш куйидаги миқдорларда амалга оширилади:

- интеллектуал мулк объектлари муаллифларига - муассаса томонидан тегишли патент олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида муассасанинг бюджетдан ташқари ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида;

- ИТФНнинг ишлаб чиқилиши ҳамда тижоратлаштирилишида иштирок этаётган илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларидаги

муаллифлар ва илмий жамоага - уларни тижоратлаштиришдан муассаса ҳисоб рақамига тушаётган маблағларнинг солиқлар, йиғимлар (божлар) ва бошқа тўловлар тўлангандан кейин муассаса тасарруфида қолган қолдиқ сумманинг тегишли равишда 40 ва 30 фоизи миқдорида.

- ИТФНнинг ишлаб чиқиши ҳамда тижоратлаштирилишида иштирок этаётган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларидаги муаллифлар ва илмий жамоага бир марталик мукофот тўлови ИТФН ишлатилган ҳар бир ҳисобот йили якуни бўйича уларни тижоратлаштиришдан муассаса ҳисоб рақамига маблағлар тушганидан кейин уч ой мобайнида тўланади.

- Агар ИТФН бир қанча муаллифларнинг биргаликдаги ижодий иши маҳсули бўлса, бир марталик мукофот тенг қисмларда муаллифларга тўланади, агар улар ўртасида шартнома орқали бошқача тақсимлаш кўзда тутилмаган бўлса.

- Бир марталик мукофотни муаллифлар (ҳаммуаллифлар) ҳамда мукофотланадиган шахслар таркиби ўртасида тақсимлаш комиссия қарорига асосан, муассаса раҳбари буйруғи асосида белгиланади.

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ

Лойихани амалга ошириш уч боскичдан иборат: 1 – боскич: Тайёргарлик ишларини ташкил этилиши, Вақт оралдиги: 1 – 2 ойлар.

Қилинадиган ишлар: Лойихани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиханинг иктисодий ҳисоб китоблари, техник иктисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш. Лойиха сметасини аниқлаш. Лотерея билетларини босиб чиқариш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин зарур булган буюмлар етказиб бериш бўйича келишувлар олиб бориш. Инвесторларга ушбу лойихани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиха самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда муружаат этиш.

2 боскич: Таъмирлаш ишлари ва инвестицияни ўзлаштириш: Вақт оралдиги: 3-4- ойлар.

Қилинадиган ишлар: Лойихада ажратилган маблағларни ўзлаштириб кўзда тутилган барча ишларни амалга ошириш, асосий воситалар, ускуналар, моддий ресурслар ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни топиш.

3-боскич: Нормал иш фаолиятининг йўлга қўйилиши.

Қилинадиган ишлар: лотерея ўйинларини фаолиятини ташкил этиш, лотерея сотишда тушган тушумлар, даромад ва харажатларни ҳисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб, олдиндан кўзда тутилган бизнес режа бўйича хўжалик фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

Ушбу лойихани ишлаб чиқиш 2021 йилнинг биринчи чорагида бошланганлигини ҳисобга олиб, биринчи чорак якунига қадар барча таъмирлаш ва жихозлаш ишларини якунлаш.

ЛОЙХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАКСАДИ



Фаолиятни биринчи босқичида 6 ой мобайнида ҳар куни ҳар бирини номинал қиймати 3 (уч) минг сўм бўлган 2 000 000 дона умумий суммаси 6000,0 млн.сўм лотереялар сотилиши режалаштирилган.

Ўйинда 40 дона **25000,0 минг сўм**, 10 дона 50 000,0 минг сўм, 1 дона **500 000,0 минг сўм** ва 1 дона **1 000 000,0 минг сўм** пул ютуқлари ўйналади. Ушбу лотереянинг ютуқ фонди сотилган лотереялар умумий миқдорининг 50 фоизини ташкил этади. Қолган маблағлар солиқ тўловлари, ишчи ходимларни иш ҳақи тўловлари, лотереянинг босиб чиқариш харажатлари, коммунал ва транспорт харажатлари учун сарфланади.

Лотерея ўйинининг 2-босқичида 6 ой мобайнида ҳар куни 5000,0 минг дона умумий суммаси 15 000 000 минг сўмлик бўлган лотерея билетлари сотилиши режалаштирилган.

Ўйинда 80 дона **25000,0 минг сўм**, 80 дона 50 000,0 минг сўм, 1 дона **500 000,0 минг сўм** ва 1 дона **1 000 000,0 минг сўм** пул ютуқлари ўйналади.

Лойиҳани яна бир долзарб томони ютуқ эгалари томонидан ютиб олинган маблағларни келгусида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга сарфланиши учун зарур шарт – шароитларни яратиб беришдан иборат. Яъни ютуқ эгалари ютиб олган маблағларини тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолияти учун йўналтиришга қизиқтириш учун қўшимча номинациялар бўйича ютуқлар миқдори эълон қилинади. Яъни ишлаб чиқаришни ташкил этиб, энг кўп иш ўрни яратган ютуқ эгалари учун қўшимча совринлар эълон қилиб борилади.

Масалан, агар ютуқ эгаларини 50 фоизини тадбиркорликка йўналтира олсак, 25-50 млн сўм пул ютуғи эгаларига камида 1 тадан, 500 млн.сўм пул ютуғи эгаларига 10 тадан, 1000,0 млн.сўм пул ютуғи эгаларига 20 тадан иш ўринлари яратилса, ўртача уч ойда 7280 та янги иш ўринлари яратиш имконияти туғулади. Бу кўрсаткич 6 ойда 14 560 та янги иш ўринлари яратилади.

ЛОЙХАНИНГ АСОСИЙ ТАЪСИСЧИЛАРИ



_____ вилояти, _____ тумани, м қишлоғида яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____ (Паспорт серияси: АА _____, 20 декабрь 2012 йилда Косонсой туман ИИБ томонидан берилган). Ҳозирда П-гуруҳ ногирони.

Устав фонди 1 500 000,0 минг сумдан иборат қилиб белгиланиши режалаштирилган бўлиб, таъсисчилар ўртасида тенг миқдорда таксимланади.


ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ

| № | Амалга ошириладиган тадбирлар | 2021 йил | | |
|---|-----------------------------------------------------------------------------|----------|---------|------|
| | | Январь | Февраль | Март |
| 1 | Бизнес режа ишлаб чиқиш | | | |
| 2 | Лотерея билетларини босиб чиқариш учун шартнома имзолаш | | | |
| 3 | Харажатлар смета ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | | |
| 4 | Асосий воситалар ва зарур бўлган жихозлар сотиб олиш ишларини амалга ошириш | | | |
| 5 | Лойиҳани синовдан ўтказиш | | | |


ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ

Ушбу лойиҳа бўйича ишчи кучи ва ходимларга булган талаби 42 тани ташкил килади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 2 тани ташкил килиб, колган 40 киши лотерея сотиш ва ҳисоб китоб қилиш ишлари билан шуғулланади. Маъмурий ходимлар таркиби корхона раҳбари, бош бухгалтер ҳисобланади.

ТАШАББУСКОР ФАОЛИЯТНИ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИ ТУШУНЧАСИ



БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ



ХУДУДАГИ РАҚОБАТЧИЛАР ТАҲЛИЛИ

| Рақобатчилар маҳсулоти | сифат | Хусусияти | Самарадорлиги | Қулайлиги | Савдо шартлари | |
|------------------------|-------|-----------|---------------|-----------|----------------|-------|
| А..... маҳсулоти | - | - | - | - | - | - |
| В..... маҳсулоти | - | - | - | - | - | - |

МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ

| № | Мазмуни | Сегмент 1 | Сегмент 2 | Сегмент 3 |
|---|-----------------------------------------------|------------------------------------|-------------------------|-------------------------------|
| 1 | Фукарлар Тавсифи | Республикамиз вилоятлари фукарлари | _____ вилояти фукарлари | Қўшни Республикалар фукарлари |
| 2 | Сотиб олиш хажми | 80 % | 15 % | 5 % |
| 3 | Фукарларни географик жойлашуви | Вилоятлар маркази | _____ ш | Кушни давлатлар |
| 4 | Талабнинг камайиши, купайиши ёки барқарорлиги | Барқарор | Кўпаяди | Кўпаяди |
| 5 | Харид қилиш қобилияти | Юкори | Юкори | Юкори |
| 6 | Жалб этиш | Ютуқлар барқарорлиги | Ютуқлар барқарорлиги | Ютуқлар барқарорлиги |

SWOT TAHLIL

| | | |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p style="text-align: center;">S</p> <p style="text-align: center;">Кучли томони</p> <p>Бизнес учун жуда кулай худудда жойлашган+ Лотереяларга талабнинг мавжудлиги ++ Зарурий технологияларни мавжудлиги+</p> | <p style="text-align: center;">W</p> <p style="text-align: center;">Кучсиз томони</p> <p>-Кучли брендга эга эмаслиги++</p> | <p>Кучли томонлар 3 та Кучси томонлар 1 та S>W</p> <hr/> <p>++S 3 та ++W 1 та</p> <hr/> <p>++S>++W</p> |
| <p style="text-align: center;">O</p> <p style="text-align: center;">Имкониятлар</p> <p>Тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имконият ва имтиёзлар ++ Махсулот турини кенгайтириш+</p> | <p style="text-align: center;">T</p> <p style="text-align: center;">Хавфлар</p> <p>Кучли ракобатчиларнинг пайдо булиши+ Тўлов қобилиятини нонуайянлиги++</p> | <p>Имкониятлар 3 та Тусиклар 2 та Q>T</p> <hr/> <p>++O 3 та ++T 2 та ++O>++T</p> |

МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда ташаббускор томонидан таклиф этилаётган лотереяларни сотиш бўйича харидор ва буюртмачиларни жалб қилишни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади. Лотереялар сотилишида маркетингни мувафакқиятли ташкил этиш учун ташаббускор фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар тўлов микдори юкори булмаса) режалаштирилган. Ундан ташкари Республикамиз шаҳар ва туманларда турли реклама акциялар ўтказиш ва харидорлар диққатини жалб этиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг асосий сабаби бу ишлар ташаббускор фойдаси хисобидан амалга оширилади.

Рекламар уюштириш дастурида **200 000 дон** таркатма материаллар ишлаб чиқиш ва таркатиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, булардан ташкари яна 200 000 000 сўм маблаг самарали ва кулай реклама турларига сарфланиши мумкин.

УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ

минг сўм

| № | Технологиялар номи | Сони | Жами | Шу жумладан | |
|---|---------------------------------------------|------|------------------|----------------|---------------------|
| | | | | Ўз маблағ | Инвестор маблағлари |
| 1 | Маъмурий бино ва офислар қиймати | | 700 000 | 700 000 | 0,0 |
| 2 | “Газел” русумли юк автомобиллари сотиб олиш | 3 | 500 000 | 0,0 | 500 000 |
| 3 | Компьютер воситалари | 14 | 50 000 | 0,0 | 50 000 |
| 4 | Детектор аппаратлари | 14 | 400 000 | 0,0 | 5000,0 |
| 5 | Реклама харажатлари | | 200 000 | 0,0 | 200 000 |
| 6 | Бошқа харажатлар | | 45 000 | 0,0 | 45 000 |
| | ЖАМИ | | 1 500 000 | 700 000 | 800 000 |

С. МОЛ-МУЛКНИ СУГУРТАЛАШ

| Харажатлар номи | Тўлов миқдори | Жами тўлов миқдори |
|---------------------------------------------------------|---------------|--------------------|
| Д. Инвестицион фаолият олди молиявий харажатлари | | |
| Молиявий харажат тури | % | минг сум |
| Сугурта харажатлари | 0,5 % | 7500,0 |
| Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари | 10 минимал | 2027,3 |
| Кузда тугилмаган бошқа харажатлар | 0,3% | 2400,0 |
| ЖАМИ | X | 11 927 |

ЖАДВАЛ № 8. УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

| № | Курсаткичларнинг номланиши | Миллий валюта (минг сум) | Хиссаси (%) |
|---|----------------------------------------------------------|--------------------------|--------------|
| 1 | Маъмурий бино ва офислар қиймати | 700 000 | 46,7 |
| 2 | Асосий воситалар ва зарур мослама аппаратлари сотиб олиш | 555 000 | 37,0 |
| 2 | Реклама харажатлари | 200 000 | 13,3 |
| 4 | Сотиб олинган ускуналар сугуртаси | 7500,0 | 0,5 |
| 5 | Кузда тугилмаган бошқа харажатлар | 2400,0 | 0,2 |
| 6 | Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари | 2027,3 | 0,1 |
| 7 | Айланма маблағларни шакиллантириш | 33072,7 | 2,2 |
| | Жами лойиханинг бошлангич қиймати | 1 500 000 | 100 % |

ЛОТЕРЕЯ БОСИБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ХАЖМИ

до на

| № | Номи | 1- Босқичда | | |
|---|------------------------------|-------------|---------|-----------|
| | | 1 кунда | 1 ойда | 6 ойда |
| 1 | “Орифжон” пул буюм лотереяси | 12 821 | 333 334 | 2 000 000 |

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ СОТИШДАН ЖАМИ ТУШУМ

минг сўм

| № | Номи | Лотерея нархи | 1- Босқичда | | |
|---|------------------------------|---------------|---------------|----------------|------------------|
| | | | 1 кунда | 1 ойда | 6 ойда |
| 1 | “Орифжон” пул буюм лотереяси | 3000 | 38 460 | 1 000 000 | 6 000 000 |
| | Жами тушумни 50 фоизи | | 19 230 | 500 000 | 3 000 000 |

ХОМ-АШЁ ВА МАТЕРИАЛ САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ

Бир дона лотерея билетини харажатлари таркиби

| № | Хом ашё ва материаллар номи | Бир дона лотереянинг босиб чиқариш хизмат нархи | Лотерея билети | | |
|---|------------------------------|-------------------------------------------------|----------------|---------------|----------------|
| | | | 1 кунда | 1 ойда | 6 ойда |
| 1 | “Орифжон” пул буюм лотереяси | 200 | 2 564 | 66 667 | 400 000 |
| | ЖАМИ | | 2 564 | 66 667 | 400 000 |

ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ
Штатлар жадвали ва йиллик иш хаки фонди



| № | Штат номи | Штат бирлиги | Ойлик иш хаки | Ижтимоий сугурта ажратмалари | Ойлик иш хаки | Ярим йиллик иш хаки |
|------------------------------------------|--------------------|--------------|----------------|------------------------------|----------------|---------------------|
| Бошқарув персонали | | | | | | |
| 1 | Раҳбар | 1 | 3000 | 450 | 3 450 | 20 700 |
| 2 | Бухгалтер | 1 | 2800 | 420 | 3 220 | 19 320 |
| | Жами | 2 | 5 800 | 870 | 6 670 | 40 020 |
| Лотерея сотишда иштирок этувчилар | | | | | | |
| 3 | Лотерея сотувчилар | 24 | 64800 | 9720 | 74 520 | 447120 |
| 4 | Кассирлар | 12 | 30000 | 4500 | 34 500 | 207000 |
| 5 | Шофёрлар | 6 | 13200 | 1980 | 15 180 | 91080 |
| | Жами | 42 | 108 000 | 16 200 | 124 200 | 745 200 |
| | Умумийси | 44 | 113 800 | 17 070 | 130 870 | 785 220 |

минг сўм

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ**Коммунал харажатлар**

минг сўм

| № | Харажат тури | Энергия ресурслар сарфи | | Нархи (сўм) | Шу жумладан йиллар бўйича | | |
|---|------------------------|-------------------------|-----------|-------------|---------------------------|----------------|-----------------|
| | | Бир соатда | Бир кунда | | 1 кунда | 1 ойда | 6 ойда |
| 1 | Электр энергияси (кВт) | 5 | 40 | 270,0 | 10,8 | 280,8 | 1 684,8 |
| 2 | Табиий газ (м.куб) | 6 | 50 | 300,0 | 15,0 | 390,0 | 2 340,0 |
| 3 | Ичимлик суви (м.куб) | 12 | 100 | 1560 | 156,0 | 4 056,0 | 24 336,0 |
| | Жами | | | | 181,8 | 4 726,8 | 28 360,8 |

АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ**Амортизация ажратмалари ҳисоби**

минг сум

| № | Амортизация объекти | Асосий воситалар киймати | Амортизация став-каси | 1 ойда | 6 ойда |
|---|--------------------------------|--------------------------|-----------------------|--------------|---------------|
| | Мавжуд асосий воситалар | | | | |
| 1 | Бино ва иншоатлар | 700 000 | 5 % | 2917 | 17 500 |
| 2 | Машина ва компьютер воситалари | 550 000 | 10 % | 4583 | 27 500 |
| | Жами | 1 250 000 | | 7 500 | 45 000 |

ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ

Харажатлари (таннарх калькуляцияси)

МИНГ СУМ

| № | Харажат турлари | 1 кунда | 1 ойда | 6 ойда |
|---|---------------------------------------------------------------|--------------|----------------|------------------|
| 1 | Лотереянинг босиб чиқариш харажатлари | 2 564 | 66 667 | 400000 |
| 2 | Коммунал харажатлар (электр, газ ва сув) | 181,8 | 4726,8 | 28360,8 |
| 3 | Асосий ишлаб чиқаришдаги ишловчилар иш хаки харажатлари | 4153 | 108000 | 648000 |
| 4 | Иш хакидан ижтимоий тулов ажратмалари 15 % | 623 | 16200 | 97200 |
| 5 | Транспорт учун ёнилги харажатлари (кунлик 100л *4000=400 000) | 400 | 10400 | 62400 |
| 6 | Амортизация ажратмалари | 288,4 | 7500 | 45000 |
| | Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи | 8 210 | 208 767 | 1 252 600 |

Лотереяларни намунавий шакллари



МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ХИСОБ-КИТОБИ

Жадвал № 29. Даромадлар хисоби


(минг сўм)

| № | Номланиши | 1 кунда | 1 ойда | 6 ойда |
|-----------|--------------------------------------------------------|--------------|----------------|------------------|
| 1 | Лотерея сотишдан тушган тушумни 50 фоизи | 19 231 | 500 000 | 3 000 000 |
| 2 | Лотерея чиқариш ва сотиш таннари | 8 210 | 208 767 | 1 252 600 |
| 3 | Лотереяни сотиш чегирма харажатлари 10 фоиз чегирма | 3864 | 100 000 | 600 000 |
| 3 | Ялпи даромад | 7174 | 191 233 | 1 147 400 |
| 4 | Бошқарувда ходимлари иш хаки | 223 | 5 800 | 34 800 |
| 5 | <i>Бошқарув ходимлари иш хаки ажратма 15%</i> | 33,4 | 870 | 5 220 |
| 7 | Солиқлар тулангунга кадар олинган фойда | 6 917 | 184 563 | 1 107 380 |
| 8 | Тушумдан солиқ тўлови 5 % | 1923 | 50 000 | 300 000 |
| 9 | Ялпи даромаддан солиқ 12 % | 861 | 22 948 | 137 688 |
| 10 | Банк хизмати туловлари (0,3 % тушумдан) | 115,4 | 3 000 | 18 000 |
| 11 | Соф фойда | 4018 | 108 615 | 651 692 |
| 12 | Рентабеллик % (7/2) | 57,3 | 59,7 | 59,7 |
| 13 | Соф рентабеллик % (10/2) | 33,3 | 35,1 | 35,1 |

ПУЛ ОКИМИ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ ОКИМИ**Жадвал № 30 Пул маблағлари ҳаракати**

(МИНГ СЎМ)

| № | КЎРСАТГИЧЛАР | Шу жумладан йиллар бўйича | | |
|-----------|-----------------------------------------|---------------------------|-----------|-----------|
| | | 1 кунда | 1 ойда | 6 ойда |
| I | Хисоб раками кредит айланмаси | 38 460 | 1 000 000 | 6 000 000 |
| II | Хисоб раками дебет айланмаси | | | |
| 1 | Лотерея босиб чиқариш харажатлари | 8 210 | 208 767 | 1 252 600 |
| 2 | Иш ҳақи тўловлари | 5 033 | 130 870 | 785 220 |
| 3 | Коммунал тўловлари учун | 181,8 | 4726,8 | 28360,8 |
| 4 | Амортизация ажратмалари | 288,4 | 7500 | 45000 |
| 5 | Транспорт хизматлари учун | 400 | 10400 | 62400 |
| 6 | Тушумдан солиқ тўлови 5 % | 1923 | 50 000 | 300 000 |
| 7 | Солиқ тўловлари -12% | 861 | 22 948 | 137 688 |
| 8 | Банк хизмати туловлари (0,3 % тушумдан) | 115,4 | 3 000 | 18 000 |



ХУЛОСА

Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиҳа рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда 59,8 % ни ташкил қилмоқда. Шу ўринда ялпи харажатларга нисбатан соф рентабеллик ўрта ҳисобда 35,2 % ни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари лойиҳанинг реал қопланиш муддати ялпи фойда ҳисобидан 3 ойни ташкил қилади. Реал қопланиш муддатининг лойиҳа давомийлик давридан камлиги лойиҳанинг молиявий–иқтисодий жозибadorлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиҳанинг барча турдаги инқирозлар ва рискларга чидамли эканлигини кўрсатмоқда. Ундан ташқари лойиҳанинг дастлабки даврида **42 дан** ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, кейинчалик янги иш ўринлари сони **60 тадан** ортиқ кўпайтирилади. Лойиҳа даврида олинishi мумкин бўлган **651 692 минг сўм** фойда корхона мақсадлари ва режаларини тўла амалга оширишга ва даромадни соҳани кенгайтириш ва бошқа фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиҳа тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва жалб қилинган маблағларини ўз вақтида қайтарилиши ва мўлжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги хизмат кўрсатиш фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, таракқий этиш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб–китобларни ўрганиб чиқиб лотерея ўйинларини ташкил этиш учун **1500,0 млн. сўм** миқдорида инвестиция киритишга қарор қилинди ва бу инвестицияни мақсадли сарфланиши бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Лойиҳа муаллифи

_____ **ОВ**

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**” 20 июль 2018 йилдаги ПҚ-3876-сонли қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “**Илмий ва илмий-техник фаолиятнинг истиқболли ютуқларини жорий қилишнинг самарали механизмларини татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида**” 3 декабрь 2018 йилдаги 979-сонли қарори

3. Интернет сайтларидан олинган маълумотлар